

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 у. «12» 5 2022-242-13-182-ХТ-сон

Beruniy tumani

Бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи **Беруний тумани Халк таълими бўлими** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **А.Худайбергенов** бир томондан ва бундан буён «ПУТРАТЧИ» деб аталувчи **LUKSOR МЧЖ** номидан низом асосида фаолият олиб борувчи **К.Нуримбетов** иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 1 030 000 000 сўми ташкил этади.

2. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

2.1. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «12» май 2022 йил.

2.2. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» август 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи 1 030 000 000 сўми ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 309 000 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг май ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори 721 000 000 сўми, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов 2022 йил 30 августгача амалга оширилади.

3.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

3.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошкча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Пудратчи: LUKSOR МЧЖ Шартнома баҳоси 1 030 000 000 сўм бўлган кўрсатиладиган хизматларни юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

4.2. Агар таъмирлаш ишлари мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

-Таъмирлаш ишларининг муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик кўрсатилмаган, пудратчи буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни таъмирлаш ишларини бажариш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик бажармаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.3. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ таъмирлаш ишларни белгиланган муддатда сифатли ва тулик ҳажмда, далолатнома асосида топширади.

4.4. Буюртмачи:

Шартномада кўрсатилган 3.2. ва 3.3. бандлари бузилса, таъмирлаш ишларининг ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.5. «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматларни ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иктисодий судга мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иктисодий судга кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2. Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қургўқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиклаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. КОРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ.

7.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг қафилланган (узуро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларнинг бузилишига олиб келадиган ва коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларни содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг қафилланган (узуро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совгаларини тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз курсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажаришини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар ва маълум қиладилар.

Томонда ушбу шартноманинг талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этиш мумкинлиги тугрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактнинг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабргача амал қилади.

8.2. Шартнома тарафларнинг хабарномасига кўра, қўшимча келишувсиз бекор қилиниши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

LUKSOR MЧЖ	БЕРУНИЙ ТУМАНИ ХТБ
Манзил: 306277330	Манзил: Беруний т.Х.Дустлиги №18
x/p 20208000605044975001	Ш/хв: 100022860352077092100075127
Банк номи: Кишлоқ қурилиш банк Беруний филиали	СТИР: 200937354
МФО: 00953	ОКОНХ: _____
СТИР: 306277330	Х/р: 23402000300100001010
ОКОНХ	ЎР Молия вазирлиги Ғазначилиги
	Марказий банк Тошкент шах БХККМ
	МФО:00014 СТИР:201122919

10. Тарафларнинг имзо ва муҳрлари.

«Пудратчи»

«Буюртмачи»



М.


(Имзо)

К.Нуримбетов
(Ф.И.Ш.)

М.Ў.

(Имзо)


А.Худайбергенов
(Ф.И.Ш.)



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi va mazmuni:** Beruniy tumani Xalq ta'limi bo'limi mudiri A.Xudaybergenov va Luksor x/f raxbari Q.Nurimbetov bilan 1 030 000 000 so'mlik ta'mirlash ishlarini bajarish bo'yicha shartnoma tuzish to'g'risida.
3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Beruniy tumani Xalq ta'limi bo'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 12 may.
NW43762467
4. **Xulosa:** Loyiha O'zbekiston Respublikasi Fuqorolik Kodeksi va O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-son qonuni hamda amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Beruniy tumani yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsult:



Sh.Qadirov

2022 yil «12» may

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 73088 на приобретение Услуга по текущему ремонту зданий

Способ проведения электронный

Дата 28.04.2022

Время рассмотрения 28.04.2022 18:48

Конкурсная комиссия Беруний тумани Халк таълими булими (МБ), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	XUDAYBERGENOV AZAD SABIROVICH	ХТБ мудири	ХТБ
Секретарь комиссии	YUSUPOV MUXTAR BAXADIROVICH	Хисобчи	ХТБ
Член комиссии	ABDULLAEV FARXAT RUSTAMOVICH	Бош хсобчи	ХТБ
Член комиссии	MUXAMMADJANOVA GULANDOM IKRAMBAYEVNA	Хисобчи	ХТБ
Член комиссии	SHIMBERGENOV NURKAT MAKSETBAYEVICH	№32 мактаб директори	ХТБ
Член комиссии	SABIROV BERADAR DAVLETOVICH	Эксплуатация отдел бошлиги	ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.04.2022 года № лота 73088.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Беруний тумани Олтинсой ОФЙ да жойлашган №32 мактабнинг жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	1032 048 999.00
Стартовая сумма	1032 048 999.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Беруний тумани Олтинсой ОФЙ да жойлашган №32 урта мактабнинг жорий таъмирлаш ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Хисоб ракамида танлов суммсининг камида 20% микдорида маблаг булиши керак. Олдинга курилиш ишларининг буюрмачиси томонидан берилган тавсияий маълумотномаси.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	20	Маълумотнома илова килинади.	16	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО SHERKHAN-B	20	Маълумотнома илова қилинади.	5	Экспертная		

Критерий №2 Беруний тумани Олтинсой ОФЙ да жойлашган №32 урта мактабнинг жорий таъмирлаш ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчилар сони 10 тадан кам эмаслиги. Пудратчи ташкилот банкротлик эълон қилинмаганлиги, солиқдан қарздорлиги йўқлиги ҳақида маълумот тақдим қилишлари керак. Гувоҳнома, лицензия ёки рухсатнома; раҳбар паспорт копияси, шахсий ИНН копияси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	20	Маълумотнома илова қилинади.	17	Экспертная		
ООО SHERKHAN-B	20	Маълумотнома илова қилинади.	8	Экспертная		

Критерий №3 Беруний тумани Олтинсой ОФЙ да жойлашган №32 урта мактабнинг жорий таъмирлаш ишлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Банкдан кредит қарздордорлиги йўқлиги ҳақида маълумот. Солиқдан қарздорлиги йўқлиги ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
LUKSOR МЧЖ	20	Маълумотнома илова қилинади.	19	Экспертная		
ООО SHERKHAN-B	20	Маълумот илова қилинади	12	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
LUKSOR МЧЖ	1 032 048 999.00	1 030 000 000.00	27.04.2022 16:06:22	30.00
ООО SHERKHAN-B	1 032 048 999.00	1 030 500 000.00	28.04.2022 16:41:16	29.99

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
LUKSOR МЧЖ	60.9	30	90.9
ООО SHERKHAN-B	29.4	29.99	59.39

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 73088 от 28.04.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту зданий определила победителем:

LUKSOR МЧЖ
306277830

и резервный исполнитель: ООО SHERKHAN-B (305826004)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	XUDAYBERGENOV AZAD SABIROVICH	Согласен	
Член комиссии	SHIMBERGENOV NURKAT MAKSETBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAEV FARXAT RUSTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	MUXAMMADJANOVA GULANDOM IKRAMBAYEVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП